O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 14 октябрь, чоршанба • № 80 (11.063) • Эркин нархда сотилади



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шу йил 11 — 12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди

РОССИЯ Федерацияси Президенти Борис Ельцин 11 октябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида Борис Ельцин ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умумбашарий хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган бир вақтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунига кўра бир қанча ҳукуматлараро ва идораларо ҳужжатлар имзоланди. Шу ўринда алоқа соҳасида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш борасида, божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданият соҳасида ҳамкорлик қилишни кўзда тутувчи ҳужжатларни алоҳида таъ-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан

ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Афғонистондаги вазият ҳамда афғонларо қуролли қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан жиддий ташвишда эканликларини изҳор қиладилар.

Президентлар БМТнинг афғон можаросини ялпи сиёсий ҳал этишнинг асосий принципларини, шу жумладан БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1998 йил 28 августдаги резолюциясини очиқдан-очиқ инкор этаётган Толибон ҳаракатининг позицияси ушбу биродаркушлик урушининг чўзилишига асосий сабаб бўляпти деб ҳисоблайдилар.

Муайян ташқи кучларнинг Афғонистон ички ишларига аралашиши, мамлакатда инсон ҳуқуқини қўпол равишда бузиб, террорчилик ва наркобизнесни қўллаб-қувватловчи экстремистик режимнинг қарор топаётганлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Жанубий ҳудудларига тўғридан-тўғри таҳлика солаётир.

Президентлар Афғонистоннинг суверен, мустақил, бир бутун давлат ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, бошқа давлатлар учун яхши қўшни сифатида сақлаб қолиниши зарурлигига бўлган ишончларини яна бир карра таъкидлайдилар.

Шу мақсадда Ўзбекистон ва Россия икки томонлама ҳамда кўп томонлама даражаларда яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишга, ички афғон қуролли можаросини барча афғонлар учун мақбул тинч сиёсий ечимлар топиш ўзанига солиш учун БМТ амалга ошираётган ишларда фаол қатнашишга тайёрдир.

Хусусан, давлатлар бошлиқлари ''Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари гуруҳи'' (6+2) доирасида маслаҳатлашишларга муҳим аҳамият берадилар ҳамда гуруҳнинг шу йил 21 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирлари даражасида-

(Давоми 2-бетда).

Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан

ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таклифига биноан 1998 йилнинг 11-12 октябрида Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин ўртасида бўлиб ўтган музокаралар давомида Россия-Ўзбекистон муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди. Музокаралар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларига анъанавий равишда хос бўлган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва конструктивлик руҳида ўтди.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серқирра алоқалар 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ҳамда 1994 йил 2 мартдаги Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларацияга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига асосланишини тасдиқладилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия муносабатларига стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамиклик хос эканлиги қониқиш билан қайд этилди. Ўзбекистон билан Россиянинг бундан буён ҳам янада қалин ва жадал ўзаро алоқадорликда олға боришларига қатъий ишонч билдирилди.

Устувор йўналишларда савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини, инвестицион ва илмий-техникавий ҳамкорликни, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ўзаро фойдали ривожлантиришнинг янги

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЭКСПОРТ ҲИСОБИГА

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг анчагина қисми чет элларга жўнатилмоқда.

Экспорт ҳажмининг ортиши корхонага катта иқтисодий фойда берябди. У корхонада янги технология ва замонавий техника воситаларини сотиб олиб, жорий қилиш қатори ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун ҳам ишлатилмоқда.

Шундай йўл билан топилган маблағнинг ярмини жамоага иш ҳақи тўлаш, жорий харажатлар ва пенсия фондига ажратилмоқда. Шунинг ҳисобидан ҳар ойда ҳар бир металлург учун уч минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинмоқда. Ўқув йили бошланиши олдидан эса шу ҳисобдан ўқувчилар 10 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминландилар. Бундан ташқари, корхонада маош ҳисобидан коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ҳам уюштирилган. Бу тадбирлар ишчиларни ортиқча оворагарчиликлардан халос этди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

3 МИНГ ТОННАЛИК МУЗХОНА

ЧИРЧИҚ шаҳрида халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар сони тобора ортиб бормоқда. Куни кеча бу ерда «Чирчиқгўштсутсавдо» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли музхона ишга тушди.

Музхонанинг умумий майдони 2,6 гектар бўлиб, бирйўла 3 минг тонна турли хил гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган. Янги иншоотда ҳароратни тартибга солиб туриш мумкин. Яъни мева-сабзавотлар, сут маҳсулотлари маълум даражада сақланса, айрим гўшт маҳсулотларини узоқ асраш учун ҳароратни 32 даражага совутиш имконияти бор.

Музхона ишга тушгач, фақат Чирчиқ шаҳрининггина эмас, балки қўшни тўрт туман аҳолиси, шунингдек давлат таъминотида бўлган муассасаларни ҳам йил давомида турли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти туғилди.

Салимахон ЯМИНОВА.

ҲИССАДОРЛАРНИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ

Яқинда Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси янги ташаббус билан чиқди.

Қатор мактабларга ўқув қўлланмаларини қўшимча тарзда сотиб олиш учун 1 миллион 150 минг сўм маблағ ажратилди. Китоблар билим масканларидаги кам таъминланган ва серфарзанд оилалар болаларига тарқатилади.

Бирлашма оғир саноат техникуми, ҳунар мактаблари, коллеж, лицей ва мактабгача болалар муассасаларини ҳам оталиққа олди.

Турсунали УСМОНОВ.

ЯНГИ БЎЛИМЛАР ОЧИЛДИ

ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш бошқармасининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича шу йил учинчи чораги учун белгиланган режалари тўла амалга ошди.

Унга кўра Ўртачирчиқ тумани Марказий шифохонасида кўз жарроҳлиги бўлими, Тошкент туманининг Кўктеракдаги даволаш масканида амбулатория жарроҳлик маркази очилди.

Шунингдек, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида болаларни шолга қарши эмлаш тадбири ҳам уюшқоқлик билан ўтди.

Саид ВАЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ПАРРАНДА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Қибрай туманидаги «Тошкент парранда» ҳиссадорлик жамияти паррандалар наслини яхшилаб, уларнинг парваришини намунали олиб бораётгани сабабли гўшт ва тухум етиштириш салмоғи ҳам кескин кўпайди.

Корхона бу йил 12 миллион дона тухум етиштириб, шундан 9,5 миллион донасини давлатга сотишни режалаштирган эди.

— Куни кеча ҳиссадорлик жамиятимиз режани уддалади, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Ў. Раҳимбердиев. — 11,5 миллион дона юқори сифатли тухумни савдо ташкилотларига етказиб бердик. Йил охиригача яна 7 миллион дона тухум етиштирмоқчимиз.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

Шу сонга

ПУДРАТЧИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бўка туманидаги Барот Умаров номли жамоа хўжалигида ерлар асосан оилавий пудратчиларга бўлиб берилганлиги туфайли одамлар ўзларини ернинг ҳақиқий хўжайинлари деб ҳис қилмоқдалар.

Шу сабабли пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда ҳамма жойда йиғим-терим уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Вақтдан унумли фойдаланиб, барча имкониятларни ишга солаётган жамоалар бирин-кетин ғалаба маррасини эгаллай бошладилар. Кеча Мансур Илҳомов бош бўлган оилавий пудратчилар пахта тайёрлаш режасини бажарганликлари ҳақида хушхабар тарқалди.

Заршунослар 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта териб топширишди. Ялпи хирмон 19 тоннадан ошиб кетди. Ғалаба маррасининг барвақт эгалланишига оила аъзолари билан бир қаторда Қибрай туманидан келган фахрийлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Пахтакорлар ва ҳиммати баланд ҳашарчилар қолган ҳосилни ҳаммасини қисқа муддатда йиғиб-териб олиш учун ғайрат кўрсатишмоқда.

Исомиддин ЭРГАШЕВ.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

КАТТА СИНОВ

«ЎЗБЕКРЕЗИНОТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бирлашмаси ривожланишининг янги йўлларини, илғор технологияларни ишлаш ва тадбиркорлик эвазига ўзининг олдинги мавқеини тиклаб олди.

Ўтган йили бирлашма истеъмолчиларга 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берган бўлса, бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини учдан бир баравар кўпайтириш режалаштирилган. Корхона талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олиб, транспортерлар учун лента-лар, линолеум, автошиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, бир вақтлар тақчил бўлган калиш ҳам етарли миқдорда ишлаб чиқарилмоқда...

Корхонанинг халқаро миқёсда тан олиниши, яъни Мадриддаги амалий ташаббуслар дирекциясининг қарори билан унга «Олтин юлдуз» берилиши ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси учун кўнгилли воқеа бўлди. Бу мукофот бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин давридаги собитқадамлик ва ўз мавқеини сақлаб қолиш маҳорати учун берилади.

Молиявий янгиликлар агентлиги билан Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти Ўзбекистонда биринчи марта республика корхоналарининг ҳолатига баҳо бериш бўйича рейтинг ишланмаларини тайёрлади. Натижада 200та йирик корхонадан асосий бозор йўналишларида 25 корхонанинг пешқадамлиги қайд этилди, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса, шу рўйхатдаги биринчилар қатёридан жой олди.

... Республикамизнинг бу корхонаси ўз хусусияти жиҳатидан ягона бўлиб, илгари мудофаа мақсадларига хизмат қилар эди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг хом ашё сотиб олиш қийинлашди. Мисол учун олганда, калиш тайёрлаш учун 30 хилдан ортиқ хом ашё зарур бўлади. Уларнинг кўп қисми хориждан келтирилар эди.

Ўша кунларда бирлашма «Ўзкимёсаноат» кудратли уюшмасига қўшилди, корхона жамоаси шу қийин даврда янги ва зарур маҳсулотларнинг катта туркумини ишлаб чиқариш йўлига ўтди. Бу жиддий лойиҳалар ҳукумат даражасида қўллаб-қувватланди, ажратилган маблағ ишлаб чиқаришни қайта қуришга, зарур ускуналарни сотиб олишга имкон берди. Меҳнат жамоасининг ўзи ҳам кўп иш қилди. Хом ашёнинг анчагина қисми Ўзбекистоннинг ўзида топилди.

Ташқи ва ички бозорни ўрганиш маҳсулот турларининг кўпайишига олиб келди. Хусусан, жуда зарур маҳсулот — халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиладиган транспортёрлар ленталарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Биргина пахтачилик саноати учун йилига 100 минг метр транспорт лентаси талаб қилинади.

Бирлашма бу эҳтиёжни қондиришга, шунингдек, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг резина-техника буюмларига буюртмаларини бажаришга ҳаракат қилмоқда. Энг нуфузли харидор — Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига эса, ўтган йили 20 миллион сўмлик турли маҳсулотлар жўнатилди...

Оддий харидорлар ҳам унутилгани йўқ — республикамиз магазинларида резина қайиқчаларини, сантехника буюмларини ва бошқа кўпгина маҳсулотларни сотиб олиш мумкин, корхона 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида корхонанинг 8та фирма магазини ишлаб турибди.

Автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқариш корхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Шина ишлаб чиқариш бир неча йил муқаддам йўлга қўйилган эди. Лекин ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, маҳсулот сифати ҳам корхона жамоасини қониқтирмади. Шу сабабли юқори сифатли автошиналар ишлаб чиқариш борасида жаҳон бозорида рақобат қилишга қодир бўлган ишончли ҳамкорларни излаш бошланди. Ҳозир бундай маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқараётган «Омскшина» фирмаси билан қўшма корхона барпо этиш ва «ЎзДЭУавто» буюртмаларини бажариш режалаштирилмоқда.

«ЎЗБЕКРЕЗИНОТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса бундай ҳамкорлик борасида тажриба орттирган — енгил ва юк автомобиллари, тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалик техникаси учун турли моделдаги сифатли ва арзон аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган «ЧОТҚОЛ БК» қўшма корхонаси муваффақиятли ишлаб турибди. Аккумуляторларнинг бир йил ишлашига кафолат берилади. Бундай кафолат берадиган корхоналар эса ҳали кўп эмас.

Н. ДУШЕВ,
ЎзА мухбири,
Ангрен шаҳри.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

-га обуна давом этмоқда!

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2012 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1006 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 167 сўм 69 тийин

ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2612 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1306 сўм 14 тийин
1 ОЙГА 217 сўм 69 тийин

Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
Якка обуначилар учун — 205
Ташкилотлар учун — 206

ВАҚТ КУТМАЙДИ!



«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кидлаш жоиздир. Учрашувда таъкидланганидек, ушбу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солмоғи лозим.

12 октябрь куни эрталаб Дўрмон қароргоҳида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Ўзаро алоқаларнинг кенгайишидан икки томон ҳам бирдай манфаат топади. Негаки, икки мамлакатни бир-бирига боғлайдиган омиллар талайгина. Аввало, иқтисодиётда, икки мамлакат саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро тенг манфаатли алоқаларни бугун янада кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Хусусан, ҳозир Россияда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, енгил саноат хомашёси, хусусан, ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёж қанчалик катта экани сир эмас. Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари В.Густов журналистлар билан учрашувда айтганидек, ''Бугун Россия ўз енгил саноатини лоақал бир оз бўлса-да ҳаракатга келтириб турмоғи даркор''. Бунинг учун эса унга ўзбек пахтаси сув билан ҳаводек зарур.

Музокараларда икки мамлакат минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга молик эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу ўринда Борис Ельцинга Россиянинг кўпгина йирик вазирликлари ва вилоятлари раҳбарлари ҳамроҳ бўлиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, субъектлар, ҳудудлараро ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун албатта ҳукуматнинг аралашуви шарт эмас.

Ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, учта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, -- деди Ислом Каримов. -- Биринчи масала транспорт харажатлари ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ. Негаки, баъзан йўлга кетадиган сарф-харажат олиб келинаётган ёки олиб кетилаётган маҳсулот нархидан қимматга тушяпти. Иккинчиси: шериклик, яъни кооперация масаласи. Мамлакатларимиздаги соҳалараро шериклик муносабатларини ривожлантириш керак. Яна бир муҳим масала эса божхона, солиқ билан боғлиқдир. Бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёни қандай кечаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу кунга қадар давлатлараро, ҳукуматлар ва идоралараро юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, агар уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода, қатъий хоҳиш бўлмаса, бу ҳужжатлар шунчаки қоғозлигича қолиб кетиши мумкин.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича 1998-2007 йилларга мўлжалланган Шартнома, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация, Афғонистондаги вазият бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма Баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма Коммюнике қабул қилинди.

Сўнгра икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича қисқача баёнот берди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан ўзаро якдилликка эришилгани қайд этилди.

Бугун имзоланган 1998-2007 йилларга мўлжалланган икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, ушбу ҳужжат асосида ҳозирги пайтда стратегик аҳамият касб этиб бораётган ўзаро муносабатларимизнинг янги қирралари ривож топади, -- деди жумладан мамлакатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳозирча икки давлатнинг мавжуд имконияти даражасида эмас. Бироқ икки мамлакат ўртасида Ҳукуматлараро комиссиянинг тузилгани, ҳудудлараро алоқаларнинг ўрнатилгани, умуман, ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилганининг ўзиёқ Ўзбекистон -- Россия алоқаларининг келажакда бундан-да равнақ топажагига имкон беради. Ушбу ташриф асносида имзоланган муҳим ҳужжатлар эса уларни янада тўлдиради.

Мамлакатимиз раҳбари минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, қўшни Тожикистонда тезроқ тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, шунингдек, Афғонистон можаросининг тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

Тожикистон ва Афғонистондаги кескин вазият оқибатлари нафақат Марказий Осиё мамлакатларига, балки Россияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мен бу ерда халқаро терроризм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, шунингдек, сиёсий ва диний экстремизм мафкурасини назарда тутяпман, -- деди жумладан Президент Ислом Каримов.

Ушбу учрашув ҳар икки давлат раҳбарлари Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга қатъиян шай турганини тасдиқлади, -- деб таъкидлади Борис Ельцин. -- Биз Ўзбекистон билан ташқи сиёсат, иқтисодиёт, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бўлиб ўтган музокараларда МДҲнинг жанубий чегараларидаги беқарор вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун мавжуд сиёсий омиллардан самарали фойдаланишга келишиб олдик. Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун эса биргаликда, ўзаро баҳамжиҳат иш кўрмоғимиз зарур.

Шу куни Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида Борис Ельцинни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью берди.

-- Россия давлатининг халқаро майдондаги мавқеининг, юритаётган сиёсатининг таъсири катта, -- деди, жумладан, Ислом Каримов. -- Шу боис ҳам Россиядаги иқтисодий таназзул тўғрисида жаҳон матбуотида жуда кўп ёзилаётир. Ким қайси сиёсий йўлни маъқул кўрса, худди шу нуқтаи назардан Россия салоҳиятини, унинг сиёсатини талқин этяпти. Бу эса ўз ўрнида Россиядек улкан мамлакатни бошқариб турган Президент Борис Ельцинга бўлган қизиқишни кучайтирмоқда.

Россия ҳозирги мавжуд молиявий инқирозлардан қандай йўл билан чиқади, деган савол кўндаланг турибди. Бу халқаро жамоатчиликни қизиқтиради, албатта. Ҳозир Россиянинг олдида иккита йўл бор. Биринчиси, мана шу демократик ислоҳотларни қатъийлик билан охирига қадар изчил давом эттириш ва мамлакат иқтисодиётини тараққиёт йўлига олиб чиқиш. Нима бўлганда ҳам Россия етти йил давомида мамлакат ҳаётига демократик ислоҳотларни татбиқ қилиш асносида мустабид тузумнинг қоидалари ва сиёсатидан воз кечиб, ҳозирги кунга қадар эришган муайян ютуқлари бевосита ўша демократик сиёсат маҳсулидир -- буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Чунки шўролар давридаги мафкуравий қобиқларни ёриб чиқишда, унинг асоратларидан воз кечишда Россия ҳаммага ҳам ибрат бўлган. Буни ҳам ҳеч ким инкор қилолмайди.

Иккинчи йўл эса, бу -- демократик тамойиллардан воз кечиб, яна тоталитар тузум йўлини тутиш, эски иттифоқ давридагидек иш юритишдир. Бу эса Россиядек мамлакатни иқтисодий маҳдудликдан асло чиқара олмайди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнидаги ўрни ва Россиядаги ҳозирги аҳволга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

-- Бугунги кунда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ биз ўз йўлимизни қатъий белгилаб олган эдик. Ўшанда собиқ иттифоқдаги кўпгина давлатлар бизга менсимагандай қараган эди. Мана, ҳозир ўзимизни қўшни давлатларга қиёслайлик. Уларнинг аҳволини кўриб турибсиз. Айниқса, ёшларимиз бунга алоҳида эътибор бериши зарур.

Айрим давлатлар ислоҳотларни тезкорлик билан ўтказамиз, деб ''фалаж қилиб даволаш'' усулини танлашди. Бу ҳам иқтисодиётда, ҳам сиёсатда қўлланилди. Кимнинг қандай ҳолатда экани бугун кўпчиликнинг кўз ўнгида турибди. Энг ачинарли томони -- бу маънавий инқироздир. Дарров сезилмайдиган бу ҳолатга сиёсий ва иқтисодий инқирознинг оқибати, дея қараш керак. Аввало, одамларнинг ўзи тўқ, усти бут бўлиши лозим. Шунинг учун Россиядаги аҳволни келтириб чиқараётган кучлар, аввало, одамларни тўйдиришни ўйлаши, сўнгра ҳар хил чақириқ ва даъватларга киришиши тўғри бўлур эди, деб ўйлайман.

Мамлакатимизнинг 1991 йилда танлаган йўли нечоғлик тўғри эканини вақтнинг ўзи кўрсатди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларимиз ўз натижаларини бера бошлади. Энг аввало, ота-боболаримиздан мерос қолган қадриятларни улуғлаб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини қадрламоқдамиз. Бизни нафақат Марказий Осиё ёки МДҲ давлатлари орасида, балки жаҳон майдонида ҳам ўз ўрни бор давлат сифатида танишди. Чунки биз сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни маънавият билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормоқдамиз. Бу танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолатдир.

Шуҳрат УМИРОВ,
Фарҳод АРЗИЕВ,
Аброр ҚИЛИЧЕВ.
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан

ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ги учрашуви якунлари бўйича тузилган ҳужжат қоидаларини маъқуллайдилар.

Президентлар афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этишнинг мумкин бўлган чораларини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида мазкур Гуруҳнинг навбатдаги учрашувини Тошкентда турли афғон кучларининг вакиллари иштирокида ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар.

Президентлар Толибон ҳаракатини, ҳам мамлакат ичида, ҳам ундан ташқарида бўлган бошқа нуфузли афғон кучларини афғон давлатчилигини сақлаб қолиш, мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, афғон заминида иқтисодий ва маданий тикланишга эришиш учун конструктив мулоқотга даъват этадилар.

Афғон муаммосини бу тарзда ҳал қилишга эришиш учун Афғонистон ҳудудидаги барча жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш, Афғонистон Ислом Давлатининг барча қўшнилари ҳамда бошқа давлатлар тарафидан можаронинг исталган томонига ўз ҳудудидан ёки ўз ҳудуди орқали қурол-яроғ ва ҳарбий мулк етказиб берилишига йўл қўймаслик мажбуриятини олиш ҳамда унга сўзсиз амал қилиш, афғон ички ишларига ҳар қандай аралашишга йўл қўймаслик ва барча этник гуруҳ ҳамда сиёсий оқимлар иштирокидаги кўп вакилли ҳукумат тузилиши даркор.

Президентлар Афғонистонда ва унинг теварагида юз бераётган хавфли вазиятни лоқайд кузатиб туролмасликларини, зарур бўлган барча мувофиқ чораларни кўришларини таъкидлайдилар.

Президентлар афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш учун вақт ва имкониятлар қўлдан бой берилганича йўқ, дея ишонч билдирадилар. Ақл-идрок ва эзгу ирода ғолиб чиқмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.А. КАРИМОВ

Россия Федерацияси Президенти
Б.Н. ЕЛЬЦИН

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 12 октябрь.

Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан

ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

(Давоми. Боши 1-бетда).

узоқ муддатли истиқболларини очадиган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартноманинг имзоланиши ҳамда тегишли фаолият Дастурининг тасдиқланиши бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Президентлар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини кучайтириш истагини изҳор қилдилар.

Россия томони Ўзбекистонда консуллик муассасалари очилишидан манфаатдор эканлигини билдириб, Ўзбекистон томонининг муқобил хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга тайёрлигини тасдиқлади.

Томонлар бошқа мамлакат ҳудудида доимий равишда яшаб келаётган бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида, кўчириш жараёнини тартибга солиш ва кўчувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ишчи кучи миграцияси тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш имкониятини қўшимча равишда кўриб чиқишга келишдилар.

Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий негизини тўлдириб, такомиллаштирадиган бир нечта ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланди. Ташқи сиёсий муаммоларни муҳокама қилишда иккала давлат бошлиқлари минтақа ҳамда дунё миқёсида халқаро тинчликни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, ҳаракатларни янада кўпроқ мувофиқлаштириш истагини билдирдилар.

Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги Декларация имзоланди. И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин ушбу ҳужжат учала давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлади, дея якдил фикр билдирдилар.

Президентлар Ўзбекистон билан Россиянинг БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар ва кафил давлатлар билан ҳамжиҳатликда Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатиш тўғрисидаги Умумий Битимни комплекс бажариш, шунингдек унинг иқтисодий тикланиши ва тараққиёти асосида Тожикистонда тинчлик жараёнининг олға силжиши учун ҳамкорликни давом эттириш ниятини тасдиқладилар. Бу борада Президентлар можарони ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш жараёнига тортилган томонларни эзгу ирода ва давлат оқиллигини намойиш этишга, Миллий яраш бўйича Комиссия доирасида амалий ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

И.А.Каримов ва Б.Н.Ельцин Афғонистондаги вазият ҳамда афғонлараро қуролли қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан жиддий ташвишда эканликларини изҳор қиладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан Қўшма баёноти қабул қилинди, у матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятини мукаммаллаштириш, унинг тузилмалари ва механизмларини МДҲ барча иштирокчиларининг манфаатлари, орттирилган иш тажрибаси ва Ҳамдўстлик майдонидаги янги сиёсий-иқтисодий реалликни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Улар МДҲнинг махсус Давлатлараро анжумани доирасида биргаликдаги ечимларни манфаатли қидиришни давом эттириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифининг самарали натижалари босқичли характер касб этади ва Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва теранлаштиришда янги имкониятларга йўл очади, дея ишонч билдирилди.

Б.Н.Ельцин Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига илиқ қабул учун ташаккур изҳор қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни Россияга ташриф буюришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати қўшимча равишда келишиб олинади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

➧ БИШКЕК. Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар қилишича, шу йил 17 октябрь куни мамлакатда Қирғизистон Республикаси конституциясига ўзгартишлар киритиш бўйича Референдум бўлиб ўтади. Янги асосий қонун лойиҳасидан парламент тизимини ислоҳ қилиш, матбуот эркинлиги каби масалалар ўрин олган. Мамлакат аҳолиси ерга хусусий мулкчилик жорий қилинадими, йўқми деган масалада ҳам ўз фикрини билдиради.

Ҳозир бўлажак Референдумга қизғин тайёргарлик бормоқда. Тадбирга хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан ҳам кузатувчилар таклиф қилинган.

* * *

➧ ҚИЗИЛ ЎРДА. Сирдарёнинг Оролга қуйиладиган қисми тўғон билан денгиздан ажратилган эди. Бу йил Сирдарёда сувнинг кутилганидан ортиқ бўлгани туфайли ҳозир кичик Оролга сув тўлди. Сувнинг ошиб кетиши хавфини бартараф этиш учун ҳозир тўғон мустаҳкамланиб, баландроқ қилинмоқда. Бу ишлар учун маблағ Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси томонидан ажратилди.

* * *

➧ БИШКЕК. Япония ҳукумати Қирғизистоннинг асосий автомобиль йўли бўлмиш Бишкек — Ўш йўналишининг иккинчи босқичини таъмирлаш учун 5 миллиард 250 миллион иен миқдорида маблағ ажратди. Бу маблағ Япониянинг хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш жамғармаси ҳисобидан сарфланади. Лойиҳа Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ҳозиргача таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун олтита хорижий компания шартнома тузиш истагини билдирган.

* * *

➧ ДУШАНБЕ. Тожикистондаги ноқонуний қуролли гуруҳларга қарши ҳукумат ва бирлашган тожик мухолифати биргаликда курашадиган бўлди. Томонларнинг қўшма баёнотида кўпорувчи жиноий гуруҳларга қарши кураш учун куч ва имкониятлар етарли эканлиги айтилган.

Одам ўғирлаш, қароқчилик билан шуғулланиб келган гуруҳлар аъзоларига қон тўкилишининг олдини олиш учун қурол-яроғни ихтиёрий суратда топшириб, таслим бўлиш учун бир ҳафта муддат берилган эди. Муддат тугагач, бандитларга қарши амалий чоралар кўрила бошлади. Жумладан, Душанбе атрофида ҳаракат қилаётган жиноятчи тўдалар билан бўлиб ўтган тўқнашувда бир неча кўпорувчи ўлдирилган, тўрт киши асирга олинди.

(ЎзА).

Қишлоқ ва ислоҳот

ОДАМЛАР ЮЗИДАГИ ҚУВОНЧ

ОҲАНГАРОН туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги ғалла, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бу ерда она ер саховатини оширишга катта эътибор бериб келинаётганлиги туфайли йил сайин қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Ана шу пурҳикмат сўзларни шиор қилиб олган хўжалик раҳбарияти ғаллакорлар, соҳибкорлар, сабзавоткору полизчилар меҳнатини янада енгиллаштириш, уларга турли хил қулайликларни яратиб бериш мақсадида ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг бир қисмини қишлоқларни ободонлаштиришга сарфламоқда.

Хонадонларни газлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга эса алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Қорақир қишлоғини олайлик. Бу ерда аҳоли ҳовлиларига ичимлик суви келганига анча бўлди. Бундан ташқари одамлар яратилган маданий-маиший шароитдан мамнун.

Яқинда аҳолига яна бир қулайлик яратилди. Қишлоқдаги мавжуд 125та хонадонда «зангори олов» ёна бошлади.

— Мустақиллик туфайли деҳқоннинг бағрига шамол тегди, — дейди туман газлаштириш идораси устаси Абдусалом Солиев. — Ерга эгалик ҳисси кучайганлиги одамлар ўз меҳнатлари самарасидан кўпроқ баҳраманд бўлишларига имкон яратди. Шунинг учун ҳам туманимиздаги кўплаб хўжаликларда маҳсулот етиштириш ортиб боряпти. Бу ўз навбатида даромаднинг юксалишига олиб келмоқда. Натижада қишлоқларга газ ўтказиш учун бизларга жуда кўп буюртма тушмоқда.

Туман газлаштириш идораси жамоаси эса, тушган буюртмаларни қисқа муддатда адо этиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман аҳолиси учун 30 километрдан зиёд газ қувурлари тортилди. Айни кунларда кўплаб қишлоқларда газлаштириш ишлари уюшқоқлик билан давом эттириб келинмоқда.

— Газчиларга минг раҳмат, умрларидан барака топишсин, — дейди Қорақир қишлоғида истиқомат қилувчи Хурсаной Чўлпонова хурсандчилигини яшира олмай. — Мен қишлоқда 45 йилдан бери истиқомат қиламан. Ўтин, кўмир ёқиб кун кечирардик. Айрим пайтларда ёқилғи топилмай қолганда таппи ишлатишга ҳам мажбур бўламиз. Газ эса жоннинг роҳати экан.



Ҳа, Қорақирга келган табиий газ ёшу қарининг қувончига қувонч қўшди. Улар 1998 йилда ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини муваффақиятли якунлаш учун дала-боғларда фидокорона тер тўкмоқдалар.

Каримжон РИХСИЕВ.

СУРАТДА: қишлоққа газ келиши байрамга айланиб кетди.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Шундайлар бор бўлсин

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН ОДАМ

Баъзан олиму-фузалолар ҳақида гап кетганида илмгоҳни битириб келиб, эндигина газетанинг қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлай бошлаган пайтимдаги бир воқеа беихтиёр ёдга келади. Эрталаб мухбирларнинг хатларини ишлаб ўтирар эдим. Шу пайт ўрта бўйли, бежиримгина кийиниб олган бир одам, мумкинми, деб кириб келди.

У ўзини қишлоқ хўжалиги илмгоҳида ўқитувчи, фан номзоди эканлигини айтиб, бир мақолани узатди. Мен уни диққат билан ўқиб чиқиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Жумлалар жумлаларга қовушмайди. Маъно, мантиқ йўқ. Бунинг устига ғиж-ғиж хато эди.

— Домла, — дедим, — бу аҳволда беролмаймиз.

У сергак тортди. Қани, менга беринг-чи, деб мақоласини олди. Ва зум ўтмай яна қайтариб берди. Нега ундай қилдийкин, деб қарасам мақоласининг орасига пул солиб қўйган экан. Жаҳлим чиқиб кетди. У ҳеч нарса бўлмагандек менга гап қотди:

— Энди, ука, — деди, — ўзингдан қолар гап йўқ. Бир амаллайсизда!

...Мен «олим» билан «ади-бади» айтишиб ўтирмадим ва мақоласини қайтариб юбордим.

Ўйланиб қолдим. Беш қўл баробар эмас, деганлари ҳақ экан. Бировларнинг мадади, ёрдами, «қалами» билан «олим» бўлиб олганлари бор, дейишарди. Улардан бири шу экан. Бундай одамлар олимликни — инсонга, бошқалардан ўзини устунроқ деб ҳисобловчи имтиёз берувчи унвон, деб ҳисоблайдилар, шекилли.

Ҳозирги бозор иқтисоди, дадил айтиш мумкинки, бундай «олим»нинг «адабини бериб» қўйди. Уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб юборди. Лекин илм-фанни жон-дилидан севган, фидойи олимларгина ҳеч иккиланмай, нолимай ҳамон захмат чекмоқдалар. Ана шундайлардан бири Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг катта ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокировдир.

Ўткир аслида журналист бўлмоқчи экан. Лекин қўлига дипломини олгач, фикри бироз ўзгарди. Журналистикани олимлик билан омухта қилиб олиб боришни кўнглига тугди. Шу мақсадида тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки кунданоқ уни олим, драматург, ёзувчи Иззат Султоннинг ижодий фаолияти мафтун этди. Номзодлик диссертациясини шу мавзуга бағишлади. Кейин мавзуни янада чуқурлаштириб, докторлик диссертацияси устида ишлай бошлади. Лекин уни ёқлаш осон бўлмади. Диссертациянинг «нуқсонлари» ҳақида юқорига думалоқ хат жўнатдилар. Аммо Ўткир мақсади йўлидан қайтмади. Қийинчиликларни меҳнати, янги ижодий изланишлар билан енгди ва орадан тўрт йил ўтгач, яъни 1988 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Таниқли олимлар унинг ишига юқори баҳо бердилар. Энди у илм-фан йўлида янада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қила бошлади. Илмий изланишлари доираси кенгайди, янада теранлашди. Адабий танқидчиликка оид китоблар босиб чиқарди. Олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратди.

Одатда аниқ фанлар устувор бўладиган олий ўқув юртларида, талабалар гуманитар фанларига менсимайроқ қарайдилар. Бироқ, Ўткир Шокировнинг ўзига хос дарс ўтиш услуби туфайли институтда адабиёт фани талабалар фаол қатнашадиган энг қизиқарли фанга айлантирилди.

Ўткир Шокиров жамоатчи олим сифатида ҳам элга танилди. Таълим-тарбия соҳасидаги чорак асрлик фаолияти давомида кўпгина шогирдлар тайёрлади.

Журналистикага бўлган меҳри, садоқати барибир унга тинчлик бермайди. У газета ва журналларга ҳар хил мавзуларда мақола, очерк, лавҳалар ёзишни ҳам унутмайди. Шу пайтгача унинг юздан ортиқ мақолалари босиб чиқарилди.

Ана, у қўлида халтаси билан таҳририятга кириб келяпти. Демак, олимимиз янгилик йўғрилган яна бир мақола олиб келяпти. Элга садоқат билан хизмат қилаётган қўша-қўша фарзандларнинг отаси, бир этак набираларнинг буваси бўлган Ўткир Шокировнинг ғайрати, шижоати, илм-фанга бўлган меҳри, ихлосига қойил қоламиз. Олтмишдан ошиб кетиб, ҳали узоқ яшайсиз. Ижодингизга барака, деб айтгимиз келади.

Носир РИХСИЕВ.

Йил ўн икки ойнинг ичида октябрь ойи чинакам жасорат ойи! Нега дейсизми?! Деҳқон апрель ойида ерга уруғ қадаб, боладек ғўзанинг кўзига термулиб яшайди. Деҳқон унинг раъйига, афту-ангорига, униб-ўсишига кўз-қулоқ бўлиб оппоқ юзларини кўргунча минг ўлиб, минг тирилади. Униб чиққан чигит аввалига қатқалоққа, сўнгра бегона ўтларга дуч келади, ҳароратга, парваришга муҳтож бўлиб қуёшга интилиб яшайди. Қуёшни соғиниб, қуёшга сиғиниб ўсади. Шунинг учун ҳам пахтани қуёшсевар экин дейишади. Бемаврид дўл ҳам, ёзда ёққан ёмғир ҳам уни четлаб ўтмайди. Лекин жони қаттиқ бўлади, бу пахта деганининг.

Ўхшаса деҳқонга ўхшайди пахта!

Миллионлаб эгатларга эгилган эл ниманидир кутиб яшайди!

Пайкалларда орзулар, ниятлар, мақсадлар сочилиб ётади.

Кузда оппоқ бўлиб гулдек очилиб кетади, бу туйғулар!

Оппоқ-оппоқ булутлар ерга кўчгандек, осмондан ерга тушгандек!

ЎЗИНГГА БУЮРСИН, ТОПГАНИНГ ЭЛИМ!

Публицистика

1

Ҳар чанокда ризқи-насиба, ҳар эгатда бойлик гўёки эгасини кутиб «тарс-тарс» ёрилиб кетади.

Шундай гўзалликнинг онаси меҳнат бўлади, қўлларнинг тафтини, қадамларнинг исини излаб қолади, бу пахта деганлари.

Оппоқ пахтазорлар олдидан ҳеч ким бефарқ ўтолмайди, бир қайрилган йўловчи ҳам тушиб пахта тергиси, чанокларга қўлини теккизгиси, хирмонлардаги тарозининг «шақиллашини» эшитгиси келади. Ҳаммаёқ тинч, ҳаммаёқ жим-жит, ҳамма шовқин, ҳамма қаҳқаҳа, хуллас ҳамма-ҳамма пахтазорда. Қани биродар, Сиз нима қилиб ўтирибсиз, кетдик далага! Қўйинг, бу майда ишларни, бу дунёнинг ишлари ҳеч қачон битмаган, энди ҳам битмайди. Ҳеч бир инсон нариги дунёга иш олиб кетган эмас. Нақадар топиб айтган, шоир!

...Рисбой бува 80 ёшга кирган. Ҳеч ким унга пахта тер, ёрдам бер деб айтгани ҳам йўқ, қистагани ҳам. Завқи келди, Деҳқон даври ёдига тушди. «Ё Оллоҳ, ўзинг мадад бер» деб эски этакни кўтариб қишлоқ ўртасидан далага кетаверди. Дуч келганлар: «Ҳа, бува тинчликми, эрталабдан» деб сўрайди.

«Далага, пахта термоқчиман».

«Лаббай» — ҳайроналар қолиб кетаверади. Бува орқасига қарамай кетаверади. Далага етиб келгач, орқасига қараса ўн чоғли қария. «Ие, сизлар ҳам...»

«Ҳа, энди сизни кўриб, биз ҳам жим туролмадик, бува».

Шу куни хирмонга ўн этак пахта тўкилди. Буни кўрган ёшлар каловланиб қолишди.

Тушдан сўнг хирмондаги беш бекорчи ҳам этак билан пахта теришга тушиб кетди.

Мана, пахтазорнинг сеҳри, мана

2

ўзбекнинг ўзига хос даъвати!

...Ҳамма пахта теримига деб умумий сафарбарлик эълон қилинди. Виждони бор раҳбар қўл остидагиларини сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб, ўзи бош бўлиб далада бўлади.

Юнус Умаровичнинг фалсафаси бошқачароқ. «Пахта деҳқонники, керак бўлса йиғиштириб олади. Гап тегмаслик учун 5-6 одамни номига чиқариб кун ўтар қилса бўлди». Штабда нари борса уч-тўрт марта гап эшитар. Мана шундай номардлар ҳам бор пахтазор майдонида!

Виждоннинг азобини билмайди улар, элнинг дардини ўзининг манфаатидан кейин кўради, улар. Шу деҳқончиликдан қорнимиз тўйиб устимиз бутун бўлаётганидан хабари бор, тан олгиси келмайди. Виждоннинг баҳосини билмайди, улар. Нима қилай, ўзбекчилик, юз-хотирчилик, ўзганинг кўнглини ўкситмаслик мени ҳам бо-

3

терими ҳақиқий меҳнат байрами, ҳақиқий қувонч! Мустақил юртимизнинг дунё билан тиллашадиган тили, дунёга чиқадиган йўли пахтадир! Еттидан етмишгача, эртадан то кечгача далада меҳнат қилганларнинг дилида, тилида бир дуо:

«Ўзингга буюрсин, топганинг элим!».

...Яна тонг отди. Кўчаларни тўлдириб, белида этаги билан ҳамма далага ошиқмоқда.

Осмон бир кўпиради, бир тиниқлашади, бир хиралашади. Оппоқ пахталар қўшиқ куйламоқда, элини чорлаб, димоғини чоғлаб, хирмонларга ошиқмоқда.

Хирмонлар... Бўйи-бастинг Ўзбекистонга ўхшайди... юртнинг куйиб қўйган ўзисан!

Оппоқсан, беғуборсан, салобати осмон, саховати жаҳон элнинг топган бахтисан!

Шу бахт, шу хирмон, шу бойлик ҳаққи дуо қиламан:

«Ўзингга буюрсин, топганинг элим!».

Тилимга мисралар қуйилиб келади. Оппоқ пахтазорга айланади юрагим, қалам кўнглимни турткилайди, ёза бошлайман:

Пахтазор — жасорат майдони дедим,
Ҳар қалай бўйингни шу ерда кўрдим.
Бир ёруғ тилакка садқа жон эдим:
Ўзингга буюрсин, топганинг элим!

Оппоқ пахтазор бу-қутлуғ дастурхон,
Эгатлар оралаб юрар сарак жон,
Хирмонга насибанг тўкилган замон:
Ўзингга буюрсин, топганинг элим!

Билмадим, деҳқонинг қачон тинади,
Ёрилган қўлида қуёш синади,
Тинч бўлса шу юрти борига кўнади:
Ўзингга буюрсин, топганинг элим!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

4

280 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН

Пахта -98

Республикамиз ҳудудида бундан 5-6 кун олдин бўлиб ўтган ёғингарчиликлар ҳамма ерда, хусусан вилоятимизда ҳам пахта терими суръатига бирмунча салбий таъсир этди. Лекин об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда бундан буён ҳаво ҳарорати кўтарилади.

Шундай экан, ҳаво очиқ кунларнинг қадрига етиш, унинг ҳар бир дақиқасидан оқилона фойдаланиш билан суръатни кўтариш лозим. Чунки вақт ўтган сайин бундай кунларнинг қадри, қиммати ортиб бораверади.

Вазиятни яхши тушунган вилоятимиз пахтакорлари кун сайин суръат отига яна қамчи босмоқдалар. Буни вилоятда пахта тайёрлаш бўйича тайёрланган маълумотдан ҳам билса бўлади.

Масалан, Пскент туманида 11 октябрда далалардан йиллик режанинг 1,5 фоизи миқдорида «оқ олтин» териб олинган бўлса, ўтган куни бу кўрсаткич 2,5 фоизни ташкил этди. Ўртачирчиқлик азаматлар ҳам бир кунда қарийб бир фоиз ортиқ пахта тайёрладилар. Вилоят хирмонига энг кўп ҳисса қўшадиган Бўка, Бекобод туманларида ҳам бу борада ўсиш салмоқли бўлмоқда.

Чиноз тумани йиллик пахта тайёрлашда ҳамон пешқадам. Бу ерда 13 октябргача режанинг **64,44 фоизи** миқдорида ҳосил йиғиштириб олинди. Илғорлар сафида дадил олға интилаётган Ўртачирчиқ туманида бу кўрсаткич **55,71, Юқоричирчиқ туманида 54,92, Бўка туманида 54,24, Янгийўл туманида 54,28, Бекобод туманида эса 51,94 фоизни** ташкил этди. Вилоят бўйича эса ўтган куни далалардан 5712 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бу режанинг **2,04 фоизига** тенгдир. Шу кунгача уйилган пахта хирмони **145448 тоннадан** ошиб кетди.

Йиғим-теримнинг жадаллашувида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори изчил бажарилаётганлиги, яъни қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограмми учун мунтазам 5 сўм ва ундан кўпроқ ҳақ тўланаётганлиги катта роль ўйнамоқда. Ўтган куни вилоят пахтазорларида 160 минг 641 нафар теримчи ишлади. Ҳар бир киши ўртача 31,7 килограммдан пахта терди.

Шу куни далага чиқарилган машиналар сони 407 тани ташкил этиб, ҳар бир агрегат бункеридан 3,1 тоннадан «оқ олтин» тўкилди.

Ҳа, йиғим-теримда ҳал қилувчи дамлар давом этяпти. Айни кунларда барча куч ҳамда имкониятларни далалардаги бор ҳосилни тез ва соз териб олишга қаратайлик. Ана шунда, мўлжалдаги маррани эгаллаб, мавсумни ёруғ юз билан якунлаймиз.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Юқоричирчиқ туманидаги Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар хўжаликлари уюшмаси пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнер ўрнига 22 центнердан ошириб ҳосил олинди. Тайёрланган 70 тонна «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди.

Хўжалик заршуносларидалардаги бор ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ.



Юқоричирчиқ туманидаги Ийк-Ота номли жамоа хўжалигида ҳозирги ҳаво очиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиляпти. «Зангори кемалар», чевар теримчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё. Шу сабабли ҳам хўжаликнинг пахта хирмонлари тобора кўкка бўй чўзмоқда.

СУРАТЛАРДА: илғор механизатор Илёс Бурхонов (чапда). У мавсумда 180 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган. Пешқадам бригада бошлиғи Музаффар Султонов чеварлар даврасида. Шу кунгача 5 тоннадан зиёд «оқ олтин» терган Замира Жуманова касбдошларига доимо ўрнак.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

«ОЛМАЗОР-М»ЛИК ХАШАРЧИЛАР

ЧИНОЗ туманида бу йилги пахта терими ўзгача кўтаринки руҳ, жўшқинлик билан давом этмоқда. Уйилаётган хирмонга ҳар бир ташкилот, корхона ўз ҳиссасини қўшяпти. Ҳашарчи ташкилотлар ўртасида «Олмазор-М» ҳиссадорлик жамияти ҳар йилги анъанага содиқ қолиб, теримда карвонбошилик қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биз «Йўлтушган» жамоа хўжалигининг Исмоил Иброҳимов бошлиқ бригадасида бўлиб, жамоа хашарчиларининг ишлари билан танишдик. Шу куни далада жамиятнинг 48 нафар хашарчиси пахта теришаётган экан. Жамият раиси Йўлдош Мадумаров, раис муовини Муҳаббат Шоюсуповаларни ҳам шу ерда учратдик.

— Ҳиссадорлик жамиятимизда 52 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди Йўлдош Мадумаров. — Жамоамиз Оққўрғон, Янгийўл, Чиноз, Қуйичирчиқ туманлари савдо корхоналарини турли хил зарур моллар билан таъминлайди. Ишимиз масъулият, қатъий интизом талаб қилади. Пахта йиғим-теримига ҳам ана шундай масъулият билан ёндошмоқдамиз.

Муҳаббат билан дала айландик. Ҳашарчилар ҳар бир дақиқани қадрлаб, иложи борича кўпроқ пахта теришга интилишяпти. Улар 22 сентябрдан бошлаб теримда иштирок этишмоқда. Дастлабки кунларда ўртача 45 килограммдан «оқ олтин» теришган бўлса, кеча бу кўрсаткич 65 килограммга етибди. Илғорлар эса, бундан ҳам юқори натижаларга эришмоқдалар. Масалан, юк ташувчи Ўктам Тўлаганов кунига 100-120 килограммдан пахта теряпти. Лилия Селяметова, Бекир Ниматуллаевлар ҳам пешқадамлардан ортда қолишмаётир.

— Ҳашарчиларимиз тонгги соат олтидан иш бошлайдилар, — дейди биз билан суҳбатда Муҳаббат Шоюсупова. — Улар учун нонушта ва икки маҳал иссиқ овқат тайёрлаймиз. Дала шийпонида дам олиш учун барча шароитлар яратганмиз.

Ҳа, 1998 йилнинг пахта терими мавсуми кун сайин қизғин тус олмоқда. Бу умумхалқ ҳашарида юрагида ўти бор ҳашарчилар қаторида «Олмазор-М» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, вилоятимизнинг 280 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун далаларда астойдил тер тўкишяпти.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

Суратда: кадрлар бўлими бошлиғи Шарифа Тожибоева, ҳиссадорлик жамияти раиси муовини Муҳаббат Шоюсупова ва новвот цехи ишчиси Таслима Саидмуллаевалар.

А. РАҲИМОВ олган сурат.



ТУШ ПАЙТИ ЭДИ...

Туш пайти эди. Эрта тонгдан пахта терган жамоа хўжалиги аъзолари, ҳашарчилар тушликдан сўнг чой ичишиб шийпонда гурунглашиб, ҳордиқ чиқариб ўтиришарди. Шу пайт шийпон олдида тўхтаган автобусдан «Ўзбекнаво» бирлашмаси таркибига кирган «Лазги» дастаси бир гуруҳ санъаткорлари тушиб қолдилар.

Пахтакорлар қувониб кетишди. Зум ўтмай тайёрланган саҳнада артистлар ўз санъатларини намойиш эта бошладилар. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиҳованинг рақсини деҳқонлар, ҳашарчилар завқ билан томоша қилдилар. Дилрабо қўшиқлар янграб, куйга-куй уланди. Бекобод туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги теримчилар, ҳашарчилар ундан завқ олиб, янги куч-ғайрат билан пахтазорга йўл олдилар.

Жўра МАҲМУДОВ.

ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги етакчи давлатлардан бири — Италия Республикаси билан муносабатлари сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йилнинг июнь ойида Италияга қилган ташрифи чоғида ушбу мамлакат билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асос солинган эди, Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

1997 йилнинг май ойида Италия Президенти О. Л. Скальфаро ва сентябрь ойида Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Продининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифлари икки томонлама алоқалар ривожида муҳим воқеалар бўлиб қолди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги алмашишлар изчил ривожланмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон — Италия муносабатлари ривожига янги туртки бериш мақсадида Италия Президенти О. Л. Скальфаро Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовни Италияга расмий ташриф буюришга таклиф этганди.

Айни пайтда Р. Проди ҳукуматининг истеъфога чиқиши сабабли томонлар Италияда янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби тузилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Италия Республикасига ташрифи аниқ муддатларини қўшимча равишда белгилашга келишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Италия Республикаси билан муносабатлар ривожига муҳим эътибор билдириб, бўлгуси ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг барча соҳаларида сезиларли даражада жадаллаштиришни кутиб қолади.

«Жаҳон» АА.

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия статистика бошқармаси эълон қилган маълумотларга қараганда жорий йилнинг 8 ойи мобайнида мамлакат ташқи савдо айланмаси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 миллиард ринггитга (қарийб бир миллиард АҚШ доллари) ошган.

Шу йилнинг январидан августига қадар Малайзиянинг экспорт кўрсаткичи жами 187 миллиард ринггитни ташкил этган. Мамлакатнинг ички бозорига эса четдан 154,6 миллиард ринггит миқдорида маҳсулот келтирилган.

Япония, АҚШ ва Сингапур давлатлари Малайзиянинг асосий савдо шериклари ҳисобланади. Ўтган йили Малайзия ташқи савдосининг ярмидан кўпи ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

* * *

МАНИЛА. Филиппин пойтахтида Жанубий-шарқий Осиё давлатлари уюшмасининг (АСЕАН) навбатдаги анжумани ўз ишини якунлади. Анжуман иштирокчилари минтақадаги молиявий бўҳронни ҳамжиҳатликда бартараф этиш ва иқтисодиётни юксалтириш мақсадида АСЕАНга аъзо мамлакатлар доирасида сармоя жалб этиш ҳудудини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

АСЕАННинг Бош котиби Родолф Северинонинг таъкидлашича, сармоя жалб этиш ҳудудини ташкил этиш хорижий сармоядорларнинг мазкур минтақага бўлган қизиқишини оширади. Бу эса мазкур мамлакатлар иқтисодиётига янада кўпроқ хорижий сармоялар кириб келишини таъминлайди.

* * *

БАНГКОК. Таиланд оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, жорий йилнинг январь ойидан сентябр ойигача бўлган даврда мамлакатда жами 9543 корхона инқирозга юз тутган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 фоиз кўпдир.

Рақамларнинг гувоҳлик беришича, хонавайрон бўлган корхоналарнинг аксарияти молия, суғурта, кўчмас мулк ва чакана савдо компанияларидир.

* * *

ТОКИО. Молиявий тангликни бошидан кечираётган Жанубий Корея 2002 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати учун кўрилажак янги ўйингоҳни бунёд этиш учун Японияда 100 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз сўради, деб хабар беради Хитойнинг Сенхуа ахборот маҳкамаси.

Жанубий Корея Японияда олишни мўлжаллаётган маблағни Сеул шаҳри чеккасида ўйингоҳ қуришга сарфлаш ниятида. Бундан аввалроқ Жанубий Корея янги асрнинг биринчи чемпионати, деб ҳисобланаётган мазкур муҳим тадбирни ўтказиш учун 10та стадион қуришни режалаштирган эди.

(ЎзА).

САҲОВАТ — КЎНГИЛ ОЛМОҚ ДЕМАКДИР

ҚИЗИЛ Ярим ой жамиятининг фаолияти кўп қиррали бўлса ҳам, уларнинг энг асосийси хайр-эҳсон ишларида фаол қатнашишдир. Шунинг учун бизнинг вилоят жамиятимиз бу масалага доим катта эътибор бермоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитлари ҳам шуни тақозо қилмоқда.

Бу йил бошиданоқ вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ёрдамга муҳтож оилаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб, уларни моддий қўллаб-қувватлаш чораларини белгилаб олдик.

Бу ишларни амалга оширишда жамиятимиз таркибининг кенгайиб бораётганлиги ҳам айни муддао бўлмоқда. Ҳозирги кунга келиб туман қўмиталари сони 12тага, шаҳар қўмиталари сони эса 5тага етди. Бу ўтган йилгига қараганда тармоқларимизни икки баробар ошганини кўрсатади. Уларнинг кўпчилиги Марказий Қизил Ярим ой жамиятининг «Сабот-матонат» дастурини ҳаётга тадбиқ этишда самарали ишламоқдалар.

Вилоят ҳокимининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган Давлат Дастури тўғрисида»ги қарорида нималарга аҳамият беришимиз лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Унга кўра жорий йилда хайр-эҳсон тадбирларини янада кенгайтириш борасида амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Қибрайда «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, ҳар ким қилиш керак!» шиори остида хайрия марафони жуда мазмунли бўлди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ва йирик корхона-ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. «Малютка» вилоят болалар уйи тарбияланувчилари, кўп болали ёрдамга муҳтож оилаларга болалар аравачалари ҳамда ёлғиз нафақадорларга махсус совғалар тарқатилди.

«Наврўз» миллий байрами сайлига ҳам пухта тайёргарлиқ кўрилди. «Нуроний» жамғармаси ташкилотлари, маҳаллалар, жойлардаги Қизил Ярим ой жамиятлари қўмиталари иштирокида эл олдига тўкин дастурхон ёзилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга совға-саломлар ҳадя қилинди. Етим болалар учун халқ банкида шахсий омонат дафтарлари очилиб, уларга катта миқдорда пул ўтказилди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Паркент, Қуйичирчиқ ва Қибрай туманларида, айниқса, байрам мароқли ўтди. Шу куни жамиятимиз вакиллари Оҳангарондаги қариялар уйига ташриф буюришиб, 11132 сўмлик туҳфаларни унда истиқомат қилувчиларга топширишди. Бундан ташқари, Ангрен шаҳрида тиббиёт ҳамширалари кўрик-танлови уюштирилди. Ғолибларга жамғарма ҳисобидан қимматбаҳо совғалар берилди. Шунингдек, Олмалиқ шаҳрида санитария постлари мусобақаси ҳам ташкил қилинди.

Юқоричирчиқ туманида халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят болалар жамғармаси ва ҳокимликлар вакиллари фаол иштирок этишди. Боқувчисиз қолган етимларга янги кийимкечак ва совғалар топширилди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтган ўқув йили якунланишига бағишланган хайрия тадбири ҳам муваффақиятли бўлди. Унда 10 минг киши қатнашди. Битирувчиларнинг 20 нафарига 500 дан 10000 сўмгача бўлган омонат дафтарчаси очилди.

Баҳор, ёз ойлари бошида тоғ ва тоғолди туманларида кучли ёмғир ёғиб, сел ва тошқин бўлди. Айниқса, Чиноз ва Паркент сарҳадларида кучли табиий офат рўй берди. Натижада кўплар бошпанасиз қолишди. Моддий зарар кўрган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдан четда қолмадик. Уларга кийим-кечаклар, иссиқ кўрпа-тўшакларни етарлича етказиб бердик. Қўмитамиз озиқ-овқат билан таъминлаш учун 100 минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Зангиота, Қибрай туман касалхоналари қошида 5та соғломлаштириш хоналарини ҳам ташкил қилдик. Уларда 18 нафар малакали меҳр-шафқат ҳамширалари астойдил меҳнат қилишяпти.

Вилоятда биринчи марта Халқаро Қизил Хоч, Қизил Ярим ой жамияти вакиллари иштирокида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда хизмат қилаётган ходимларнинг малакасини янада юқори поғонага кўтариш мақсадида меҳр-шафқат ҳамширалари семинари ўтказилди.

Айни пайтда вилоятимизда айрим ижобий ўзгаришлар юз берган бўлса ҳам биз ҳали ундан тўла қаноатланаётганимиз йўқ. Камчиликларимиз ҳам борлигидан асло кўз юммаймиз. Шунинг учун туман ва шаҳар Қизил Ярим ой жамиятлари қўмиталари ҳамда оталиқ ташкилотларига суянган ҳолда саҳоват тадбирларини тобора кенгайтираверамиз.

Мупаррах КАРИМОВА,
Вилоят Қизил Ярим ой жамияти раиси.



Оҳ: кузги паллалар, кузги паллалар...
Умид АҲМЕДОВ сурат-лавҳаси.

МАНЗАРА

Бедана саҳарлаб хонишлар қилади,
Эзилган бедазорда ари ғўнғиллар.
Бойқизи ногоҳон кунгайга қулади —
Гупириб кетади ғуборли кўнгиллар.

Тушовсиз тулпорни бедазор аллалар,
Пишқириб қўяру бепарво сургалар.
Йўнғичқа танида қўшчалғи ўрмалар —
Ҳайқириб юборар кимсасиз далалар...

Шавкат ТУРОБ.

ФИКРЛАШГА ЎРГАТАДИ

Кўпчиликни ром этиб қўйган шахмат ўйинининг ҳам ўз тарихи ва тарбиявий аҳамияти бор

1927 йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш республика институти очилди. Кейинроқ бундай муассасаларни кўпайтириш тўғрисида декрет эълон қилинди. Натижада янги яслилар, туғруқхоналар, санаторийлар ташкил бўлди. Бу тадбирлар ёшларни гўдаклигидан бошлаб соғлом қилиб тарбиялашни таъминлаган бўлса, иккинчидан, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун шароит яратиб берар, уларнинг маданий савиясини оширишга кўмаклашар эди. 30-йилларнинг бошларида болаларни мактабларга жалб этиш, ўқитиш, тарбия бериш ишлари йўлга қўйилгач, энди мактабдан ташқари муассасаларни тузишга катта эътибор берилди. Республикамизда бирин-кетин болалар техника станциялари, болалар боғчалари, театрлари очилиб, минглаб ёшларни ўз қучоғига олди. Бу муассасалар болаларни умуминсоний руҳда тарбиялаш ишини янада яхшилаш, турли соҳаларга бўлган қизиқишларини ортириш, дастлабки малакаларни ҳосил қилиш сингари вазифаларни адо этди...

Билимдон шахматчилар уларни бирлаштирган тўгаракларда таҳсил кўрган эдилар. Чунончи, В. Симелов, Ю. Авербан, М. Тайманов, Т. Петросян, В. Корчной, М. Таль, Б. Спасский, А. Карпов сингари забардаст гроссмейстерлар ҳам шундай даргоҳларда тарбия топганлар. Кейинчалик ёшлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, уларнинг қошида шахмат бўлимлари очилди, баъзи жойларда махсус болалар ва ўсмирлар шахмат мактаблари ташкил этилди. Баъзи умумий таълим мактабларида ҳам шахмат дарслари ўтадиган бўлди. Ҳатто болалар боғчаларининг тарбиявий ишлар режасидан шахмат машғулотлари ўрин олди.

Мактабгача ёшдаги болалар билан шахмат машғулотлари бошлаш учун ҳам зикр этилган тайёргарлик ишлари зарур эди, албатта.

Хўш, шундай болаларни энг қийин ўйинга ўргатиш лозиммикин? Эрта эмасмикан? Бундай оғир «юк»ни улар кўтара олишармикан? Бу саволга Педагогика фанлари академияси мактабгача тарбия илмий тадқиқот институтининг директори А. Запорожец шундай муфассал жавоб берди: «Ҳозирги вақтда бутун дунё олимларининг диққат-эътибори ўсишнинг мактабгача ёшдаги болаларда яширинган улкан потенциал имкониятларига жалб этилганидир. Институтимизда, шунингдек, чет элларда ўтказилган педагогик, психологик ва физиологик текширишлар, 5-6 яшар болалардаги билимларни ўзлаштириш ҳамда умумий ўсишнинг потенциал руҳий-физиологик имкониятлари ҳозиргача фараз қилганидан кўра анча юқори эканлигидан далолат беради... 5-6 яшар болаларнигина эмас, балки ундан кичикроқларни ҳам ўқитиш мумкинлиги ва зарурлиги ҳақидаги масалага келганда, бу фикр педагогикада аллақачонлар маъқул топилган».

Бинобарин, олти яшар болалар организмининг мактаб машғулотларига функционал жиҳатдан тайёр эканини тасдиқловчи бундай эътиборли хулоса мактабгача ёшдаги болалар ўрасида шахматни кенг оммалаштиришга йўл очади.

Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлардаги баъзи болалар боғчаларида шахмат ўргатиш йўлга қўйилиб бораётган Одесса, Ригадаги шахмат мактабларида боғча ёшидаги кичкинтойлар учун гуруҳлар ташкил этилаётган бўлса-да, республикамизда ҳозирча бундай тажриба ўтказилаётгани йўқ. Бизда бу иш ҳозирча ота-оналар, ака-опалар зиммасида турибди.

Яқинда мен бир дўстимнинг ҳузурида бўлган эдим. У шахмат шайдосигина эмас, уни ташвиқ қилишга ҳам ончамунча улуш қўшаётган журналистлардан. Фишер, Карповдан бошланган қисқа суҳбатимиз тугагач, у менга чиройлигина бир портфелни кўрсатиб, ичидаги шахмат тахтачасига ишора қилди. «Бу йил мактабга боради, — деди у қувонч билан. — Ҳозирнинг ўзидаёқ баъзан мени ҳам эзиб ташлаяпти». У ўғилчасини назарда тутаётган эди.

Хўш, кичкинтойларни шахмат ўйинига жалб этишдан нима фойда? Маълумки, улар жуда сабрсиз бўладилар. Аммо уларга хос кўпгина машғулотлар учун ҳам диққатни бир жойга тўплаш, изчиллик билан натижага эришишни билиш даркор. Ўқтириш ёки мажбур этиш билан бундай фазилатларни орттириш жуда қийин. Тажрибадан маълумки, чунончи, мусиқага унча ҳавас қўймаган боласини унга ўргатишга уринган баъзи ота-оналар пушаймон бўладилар. Ҳамма гап ҳавас уйғотишда, хоҳишда, уни вужудга келтиришда. Шахмат ўйнашда мажбур этиш ярамайди. Умуман, ўйин — болаларнинг жони. Шаклан шахмат ҳам — ўйин. Доналари ажойиб-ғаройиб оддий ўйинчоқларга ўхшамайди. Қоидалари мураккаб эмас, ўйин жараёни қизиқарли қилиб тушунтирилса бас. Тахминан мана шундай:

...Бор экан-да йўқ экан, оч экан-да тўқ экан. Қадим замонда бир подшо ўтган экан. Унинг иккита ўғли бўлиб, бирининг оти Оқ шаҳзода, иккинчисиники — Қора шаҳзода экан.

Оталари ўлгач, шаҳзодалар ўртасида жанжал чиқиб, бир-бирларига уруш эълон қилибдилар. Уруш бўлаверибди, одамлар қирилаверибди.

— Подшоҳи олам, — дебди бир донишманд Оқ шаҳзодага, — ижозат этсангиз, мен сизни укангиз билан яратиштириб қўйсам. Мен бунинг аломат бир йўлини биламан...

Донишманд қўлтиғидан олачипор бир тахтачани олибди-да, унга ғаройиб доналарни тика бошлабди. Ҳамма ҳайрон эмиш.

— Буни шахмат дейдилар, — дебди донишманд, — шунақа қизиқ ўйинки, ҳамма нарсани унутади одам.

Сўнгра у шаҳзодага ўйинни ўргатишга киришибди. Шаҳзода ўйинга шунчалик берилиб кетибдики, кечасию кундузи тахтадан бош кўтармабди. Орадаги низони ҳам унутиб, укасига чопар юборибди ва ярашишга кўнса, унга ажойиб бир нарса кўрсатишни ваъда қилибди. Шундай қилиб, ярашишибди. Шаҳзодалар энди фақат шахмат тахтасида «жанг» қиладиган бўлиб қолишибди. Уруш барҳам топганидан эса ҳамманинг боши осмонга етибди.

Шунга ўхшаш тарзда бошланган шахмат дарси қайси бир кичкинтойни ўзига тортмайди, дейсиз. Фан, олти яшар бола — ўзини мустақил фаолият кўрсатишга вужуди билан интилувчи, деярли шаклланган шахсдир, деб ҳисоблайди. Болаларнинг «Ўзим!» деган хитобини ҳам эшитганман! Мустақиллик учун ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш истаги намоён бўлади. Ана шунинг учун ҳам ўзига хос мусобақа ташкил этиб уларни «жанг»га солиш керак, ҳа, зерикиб қолмасликлари учун. Яъни, бир нозик томони шуки, катталар ўз фаолиятларида қандай бўлсалар, ўйин билан овора бола ҳам худди шундай чинакам туйғулар оғушида нафас олади. Бинобарин, унинг учун шахмат ҳам шунчаки «ёғоч донача»лар эмас, балки у қўмондонлик қилаётган жонли қўшиндир. Агар биз боланинг қалбига йўл топиб, унинг ажойиб дунёсида кеза билсак, шундагина болага чинакам ўрток бўла оламиз.

Маълумки, энди бошланғич мактаб уч йиллик бўлиб қолди. Ўқиш жараёни бойиб, «икс», «игрик» деган мавҳум тушунчалар киритилди. Аввалига ота-оналар бундан бир мунча чўчиган эдилар. Ҳозир ҳам бу қийинчилик бартараф этилди, деб бўлмайди. Шуни ҳисобга олганда шахмат қабул қилишлари йўлида кичкинтойларга ажойиб тайёргарлик ҳамдир.

Ўзига хос шахмат саёҳат қилиш бола ақлини мавҳум мантиқий тушунчаларни билишга, шайлашга қўмаклашади. Шахмат ўйини тасаввур қилишни, хотирани ўстиради. «Жанг» қилишга қизиқиб қолган боланинг тоқатсизлашмай бир жойда ўтира олишига, диққат-эътиборини бир нарсага, айни вақтда катак тахтадаги воқеалар жараёнига қаратишга эса шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бу жуда зарур фазилат. Шахмат ўйнайдиган болалар қунтлироқ бўладилар. Шунинг учун ҳам дарсларни яхшироқ ўзлаштирадилар.

Биз «Етти ўлчаб бир кес» деган мақолни мукаммаллаштирмоқчи эмасмиз, бунга ҳожат ҳам йўқ. Унинг маъносига яна бир назар ташлаб кўрмоқчимиз, холос. Айтайлик, биров буни етти минутда уддаласа, бошқа биров уч-тўрт минутда меъёрига етказиб қўяди. «Тез ва соз» деган иборанинг маъноси шу. Шахмат ўйини пайтида шундай чигал вазиятлар тез-тез такрорланиб турадики, уларни тўғри ечиш учун мавжуд вариантларнинг энг қулайини топа билиш талаб этилади. Лекин ўйинчи маълум муддат билан чегаралаб қўйилади. Шахматчи оз вақт ичида кўп нарса қила олмаса, ниятига ета олмайди. Шунинг учун ҳам мантиқий масалаларини еча оладиган электрон ҳисоблаш машиналари яратиш устида бош қотираётган олим, инженер, конструкторлар шахматдан ажойиб модель сифатида фойдаланмоқдалар. Дастлабки пайтдаёқ фойдаси яққол кўзга ташланмайдиган шахматнинг кейинчалик ўқиш ва меҳнатда қўл келиши муқаррар.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

САЛОМАТ ЮРАМАН, ДЕСАНГИЗ...

ҲАФТАДА БИР МАРТА

Ўз организмингизга дам берадиган кун қилинг. Шунда ҳафта мобайнида 5-6 килограммга озасиз. Кун давомида ташналигингиз ва очлигингизни махсус чой билан қондиринг. Бир литрлик термосга бир ош қошиқ қора памил чой ташланг ва қайноқ сут қуйинг. Ҳосил бўлган ширчойни чанқаганда ичаверинг.

КУНДУЗ КУНИ УХЛАГАНДА

Ҳафта мобайнида тинимсиз ишдан ҳориганда кўз уйқуга кетаверади. Лекин кўпинча кундузги уйқудан ланж бўлиб уйғонасиз. Сабаби, ухлаш вақтини тўғри белгиламаган бўласиз. Кун ботарда сира ухламанг. «Қуш уйқуси»дан дарров уйғониб кетишдан сақланинг. Шунинг учун имкони борича кечқурун ҳуфтондан кейин ухлашга одатланинг. Эрта билан тетик, яхши кайфиятда уйғонасиз.

КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ

Мичиган университети (АҚШ) олимлари тўққиз йил мобайнида эр-хотинлар ва ёлғиз кишилар билан тажрибалар олиб боришди. Натижалар ҳайратомуз бўлди: эр-хотинлар ғайриқонуний жуфтликлар, ёлғизларга қараганда ҳаётий муаммоларини осонлик билан ҳал қилишаркан. «Эр-хотин — қўш ҳўкиз» деган адолатли нақл тўғри экан-да! Чунки эр-хотинлар бир-бирига дардларини айтишади, маслаҳатлашишади, бир-бирларига мадад, суянчиқ бўлишади. Улар ўртасидаги муҳаббат самимий, жанжаллашиб қолишса тез ярашадилар: «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши». Шунинг учун аҳил эр-хотинларга дард ҳам кам илашади, умрлари ҳам узоқ, ширин бўлади. Мана шунинг учун ҳам Шарқда никоҳ, оила ҳамиша қадрланиб келинади.

ЕНГИЛ ТОРТИШ УЧУН

Бугунги кунга келиб, жаҳондаги жуда кўп одамлар зиқнафасликдан азоб чекади. Йил ўтган сари уларнинг сони ортиб боряпти. Зиқнафаслик бошланишига ҳар нарса баҳона бўлиши мумкин. Унинг турли кўринишда битта асос мавжуд: юқори нафас йўллари шамоллашидан кейин ҳар нарсага жуда ҳам сезгир бўлиб қолади.

Кўпгина ҳолатларда зиқнафас — сурункали бронхит шамоллаганда нафас олиш йўлларининг тўлиқ даволанмаслигидан келиб чиқади. Касаллик юқори нафас олиш йўлларидан пастки нафас йўлларига ўтади. Сурункали бронхит аслида мана шу. Бундай дардга чалинганлар ҳаётини енгилатиш, ҳимоя қилиш зарур. Айниқса, дард қўзғалганда бемор ўзига-ўзи ёрдам бермоғи керак.

Бунинг учун Ғарб мамлакатларида зарур дори-дармонлар билан жиҳозланган махсус дорихоначалар ишлаб чиқилган. Албатта, бундай митти дорихоначалар бизда етарли эмас. Энг муҳими «пульмонолог» врачлар хизматидан ўз вақтида фойдаланинг. Ақл ўргатиш эмас-ку, халқимизда: «Шошма иним, Абдусаттор, ҳар нарсанинг вақти бор» деган нақл юради.

Темур УБАЙДУЛЛО тайёрлади.

Об-ҳаво

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛАДИ, БИРОҚ...

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабар беришича, пойтахт ва Тошкент вилоятида 14-18 октябрь кунлари ҳарорат мўътадил келади. Кечалари 3-8, кундуз кунлари эса 20-25 даража исийди. Кейинчалик кечаси 6-11, кундузлари 22-27 даража атрофида бўлади. Бироқ, ҳафта охирига бориб, ҳарорат 4-6 даражага пасайиб, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин.

Яккасарой туманидаги «Элер АИБ» масъулияти чекланган жамиятнинг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги «YANGI SHAMOL» хусусий фирмасининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги «YANGI QURILISH SERVIS» хусусий фирмасининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги «АРУМ» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси — кичик корхонасининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Реклама-Ахборот Агентлиги

Сизга матбуот конференциялари, тақдимотлар, матбуотда реклама компаниясини ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек Сиз учун қисқа муддатларда
- визиткалар,
- таклифномалар,
- гувоҳномалар,
- дипломлар,
- бейджиклар,
- папкалар,
- органайзерлар

тайёрлаб беради.

Телефонлар: (8-371) 133-99-15, 136-59-54. Пейж.: (067) 29-00.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0400. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00.